

ЎТМИШГА НАЗАР

МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК

LOOK TO THE PAST

SPECIAL ISSUE



Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Раҳбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

"Ўтмишга назар" илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала "Взгляд в прошлое"
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Кебадзе Мадонна

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Бурдиашвили Майя

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Кожакесва Ляззат Темировна

*тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика университети,
Қозоғистон Республикаси*

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич

*тарих фанлари доктори, профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети*

Бобожонова Дилором Бобожонова

*тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети*

Зияева Доно Хамидовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Аширов Адҳам Азимбаевич

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Агзамова Гулчехра Азизовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна

*тарих фанлари доктори, Тошкент
кимё - технология институти*

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна

*тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон
давлат жаҳон тиллари университети доцент*

Эргашева Юлдуз Алимовна

*Тарих фанлари доктори, профессор
Қариш муҳандислик-иқтисодиёт институти*

Теймураз Ахалмосулишвили

*профессор, Телавский государственный университет,
Грузия*

Халикова Раҳбар Эргашевна

*тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент
давлат техника университети*

Ишанходжаева Замира Райимовна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон
Миллий Университети*

Кобзева Ольга Петровна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон
Миллий университети*

Одилов Аброр Анварович

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Ерметов Аваз Абдуллаевич

*тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Сайнова Камола Давляталиевна

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Джоробекова Айнуэр Эшимбековна

*тарих фанлари номзоди, профессор, Ташқи ишлар
вазирлиги қошидаги Дипломатия академияси,
Қозоғистон Республикаси*

Толипов Файзулла Саидович

*Тошкент давлат техника университети доцент,
тарих фанлари номзоди*

Page Maker\Верстка\Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

- 45. Mirzaliyev U.B. Xasanov M.M.**
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY ARXIVLAR FAOLIYATINI
TASHKIL ETISH BORASIDAGI ISHLAR VA ISLOHOTLAR.....362
- 46. Муминов А., Норов Ш.**
ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК: ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА ВА
ЎЗБЕКИСТОНДАГИ АМАЛИЁТ.....367
- 47. Норқўчқаров Х. Э., Мансуров У.Ж.**
АФФОНИСТОНДАГИ ЎЗБЕК ЗИЁЛИЛАРИ ВА УЛАРНИНГ
ФАОЛИЯТИ (XX АСРНИНГ II ЯРМИ - XXI АСР БОШЛАРИ).....373
- 48. Мўминова Г.Э.**
ЎЗБЕКИСТОНДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҶАСИНИНГ
ТАРАҚҚИЁТИ ВА УНИНГ НАТИЖАЛАРИ.....379
- 49. Муталлибжонов М.М.**
ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРНИНГ ЁШЛАР СИЁСИЙ
ФАОЛЛИГИ ВА СИЁСИЙ МАДАНИЯТИГА ТАЪСИРИ.....387
- 50. Нафиддинова Х.Р.**
БУХОРО ТҶЙ-ҲАШАМЛАРИ: ЎТМИШ ВА БУГУН.....392
- 51. Норматов О.**
ЎРТА ЗАРАФШОН ОКРУГИ ТАРИХИГА ОИД АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР...398
- 52. Нурматова М.М.**
ЖУРЖИЙ ЗАЙДОННИНГ "ФАРҒОНА КЕЛИНИ" РОМАНИДА
ТАРИХИЙ ШАХСЛАРНИНГ АКС ЭТТИРИЛИШИ.....405
- 53. Пардаев А.А.**
ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИДАГИ ДЕМОГРАФИК ЖАРАЁНЛАР
(1989-2019 ЙИЛЛАР).....410
- 54. Примова Ф.А.**
МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИ ТАРИХИДА ЎЗБЕКИСТОНДА
ТАЪЛИМ ТАРБИЯНИНГ ИНСОНПАРВАРЛИГИ
ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ.....416
- 55. Расулов А.М.**
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАРИХИДА ОММАВИЙ
АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ЎРНИ.....424
- 56. Расулов Ҳ.М.**
ШАРҚ ВА ҒАРБ: СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ
КОМПОНЕНТЛАРИ УЙҒУНЛИГИ.....429

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT


- 57.Рахматова Н.М.**
ЎЗБЕКИСТОНДА ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ТАРИХИДАН (XX АСРНИНГ
90-ЙИЛЛАРИ МИСОЛИДА).....437
- 58.Рузматова Ш. А.**
XVII АСР ОХИРИ XVIII АСР БОШЛАРИДА ФАРФОНА
ВОДИЙСИДАГИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ, СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАР....444
- 59.Samatova F.N., Qurbonov B.G', Mahmudova N.**
O'ZBEKISTONNING MARKAZIY OSIYO DAVLATLARI BILAN
SHANXAУ NAMKORLIK TASHKILOTI DOIRASIDAGI ALOQALARI.....452
- 60.Саттаров А.М.**
1946-1990 ЙИЛЛАРДА МИРЗАЧЎЛНИ ЎЗЛАШТИРИШДА
ФАРФОНА ВОДИЙСИ АҲОЛИСИНИНГ КЎЧИРИЛИШИ ТАРИХИДАН..... 462
- 61.Тажимирзаев Э.**
АРХИВ ҲУЖЖАТЛАРДА ФАРФОНА ВОДИЙСИ ҚИШЛОҚЛАРИ
АҲОЛИСИ ОРАСИДА ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАРНИНГ
ТАРҚАЛИШИ ВА ТИББИЙ МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИ
(1960-1970 ЙИЛЛАР).....469
- 62.Топилдиева М.Р.**
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СУДИНИНГ ТАШКИЛ
ТОПИШИ ТАРИХИ.....476
- 63.Тошпўлатов Б.Ш.**
XX АСРДА ТУРКИСТОНДА ТИББИЁТ ЙЎНАЛИШИ
ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛИШИ.....484
- 64.Ўлжаева Ш.М., Тошпўлатова Н., Сурождинова М.**
АМИР ТЕМУРНИНГ МЎҒУЛЛАРГА ВА МАҲАЛЛИЙ
ҲУКМДОРЛАРГА ҚАРШИ ҚЎЛЛАГАН ҲАРБИЙ ҲИЙЛАЛАРИ
("ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ"МИСОЛИДА).....491
- 65.Тоштемирова Н.Д.**
ЎЗБЕКИСТОНДА БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИНИ МУҲОФАЗА
ҚИЛИШ ИШИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ.....496
- 66.Турсунов А.А., Хамзаева Г.Н., Обидова О.А.**
МУҲАММАД ҲАКИМХОН ТЎРАНИНГ "МУНТАХАБ
АТ-ТАВОРИХ" АСАРИДА ҚЎҚОН ХОНЛИГИ ДАВЛАТ
БОШҚАРУВИНИНГ ТАЛҚИН ЭТИЛИШИ.....502

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Нафиддинова Хосият Равшановна,
Бухоро Давлат Университети
Тарих ва маданий мерос факультети
Ўқитувчиси
xosiyat1989@mail.ru

БУХОРО ТЎЙ-ҲАШАМЛАРИ: ЎТМИШ ВА БУГУН

For citation: Nafiddinova Khosiyat Ravshanovna. BUKHARA WEDDING LUXURY: PAST AND PRESENT. Look to the past. 2020, SI, pp.392-397

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-SI-50>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада ўзбек халқининг миллий қадриятлари асосларидан бири тўй маросими ва уни ташкил этиш билан боғлиқ анъаналар, урф-одатларнинг баъзи жиҳатлари очиқ берилди. Шунингдек, Бухоро амирлигида дабдабали тўй маросимларини олдини олиш борасида амирлик фармонлари ва йирик жамоатчилик вакиллари таклиф-мулоҳазалари хусусида фикр юритилган.

Калит сўзлар: маросим, маънавий эҳтиёж, жамоатчилик фикри, оилавий тадбирлар, қўшимча расм-русумлар, исрофли тўйлар, "Туркистон вилояти газети", "Ойина", Фармон

Нафиддинова Хосият Равшановна,
преподаватель факультета истории и культурного наследия
Бухарского государственного университета

БУХАРСКИЕ СВАДЕБНЫЕ ОБРЯДЫ: В ПРОШЛОМ И НАСТОЯЩЕМ

АННОТАЦИЯ

В этой статье освещены некоторые особенности узбекских свадеб и традиции связанные с организацией свадебных церемоний. Также изложено о Указы Бухарского эмиратства, мнение и предложение членов общественных деятелей о предотвращение чрезмерно расходных свадеб.

Ключевые слово: обряды, духовные потребности, семейные мероприятия,

дополнительные обряды, многорасходные свадьбы, "Туркистон вилояти газети", "Оина", Указ.

Nafiddinova Khosiyat Ravshanovna,
Teacher of the faculty of history and cultural heritage
of Bukhara state University

BUKHARA WEDDING LUXURY: PAST AND PRESENT

ABSTRACT

In the article the wedding ceremony which is one of the bases of the uzbek people and the traditions related with its arrangement, and some aspects of customs are revealed. Also, the decess by the emir preventing the pompous weddings in the emirate of Bukhara and the opinions of general population are considered.

Index Terms: ceremony, spiritual need, public opinion, family events, additional hobits, pompous weddings

Долзарблиги. Ҳар бир халқнинг ўзига хос урф-одатлари, маросимлари бўлади. Дунё халқларининг ҳаётига назар ташласак, бир-бирига ўхшамаган турлитуман маросимларни кўрамиз. Маросимлар жамият, халқ ва шахс ҳаёт фаолиятидаги муҳим ўзгаришлар, ижтимоий аҳамиятга молик воқеа ҳодисалар билан боғлиқ бўлиб, улар ибрат орқали тарбиялаш, руҳий эстетик таъсир кўрсатиш вазифасини бажаради. Маросимларда миллий, диний урф одатлар ва расм русумлар ифодасини топади.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар-тарихийлик, қиёсий-мантиқий таҳлил, кетма-кетлик, холислик тамойиллари асосида ёритилган.

3. Тадқиқот натижалари:

Ўзбек халқининг миллий анъаналари урф одатлари, маросимлари теран тарихий илдизга эга. Улар халқнинг маънавий эҳтиёжлари заминида пайдо бўлиб, шаклланиб, сайқалланиб, ўз мазмунида шу халқнинг орзу ўйлари, истаклари, турмуш тарзи, ахлоқ нормаларини мужассам этади. Шунинг учун ҳар бир халқ, миллат, элат уларни кўз қорачиғидай авайлаб асраши, тараққий эттириши, келгуси авлодларга маънавий қадрият сифатида етқазмоғи лозим. Дарҳақиқат, анъаналар, урф одатлар, маросим ва байрамлар халқнинг, миллатнинг маънавияти, қадриятларнинг ажралмас қисмидир.

Халқимиз ўзининг хурсандчилигини ҳам, хафагарчилигини ҳам турли маросимлар, расм русмлар, удумлар орқали намойиш қилади. Жумладан, халқимиз томонидан ўтказиладиган тўй тантаналари, мотам маросимлари, улар билан боғлиқ хилма хил урф одатлар фикримизнинг далилидир.

Тўй ва маросимлар қанчалик яхши бўлмасин халқимизнинг маънавий юксалишида қанчалик ижобий рол ўйнамасин, уни ўтказиш билан боғлиқ баъзи ортиқча расм русмлар, одат тусига кириб бораётган сунъий удумлар жамиятимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига, оилаларнинг маиший барқарорлиги таъминланишига ўзининг салбий таъсирини ўтказиши табиий. Одат тусига кирган маросимлар кишилар хулқ атворини бошқарар экан, нафақат жамоатчилик фикри нуфузига, балки қабул қилинган ва қарор топган қонун

қоидалар кучига ҳам суянади.

Республика Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 3-августда Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузасида миллий қадриятларимизнинг асосларидан бири тўй маросимларни ўтказишни тартибга солиш тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини баён этган[1].

Олий Мажлис сенати ва Қонунчилик палатаси Кенгашлари 2019-йил 14-сентябрь куни тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказилишини тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисидаги қарорни қабул қилди[2]. Сенатнинг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси И.Мирзаалиев Парламент палаталарининг қўшма мажлисига қилган чиқишига кўра, тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумларнинг хотирасига бағишланган тадбирларни ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом 2020-йилнинг 1-январидан кучга киритилади[3].

Ушбу низомга кўра оилавий тадбирлар фақат бир кун соат 6:00 дан 23:00 оралиғида ўтказилади. Соат 23:00 дан кейин оилавий тадбирларни давом эттиришга йўл қўйилмайди. Дафн этиш маросими бундан мустасно. Худудларнинг шароитларидан келиб чиқиб, халқ депутатлари туманлар ва шаҳарлар Кенгашлари томонидан ош бериш маросимининг вақти алоҳида белгиланиши мумкин.

Оилавий маросимларда 200 нафаргача, мазкур тадбирлар муносабати билан ош бериш маросимида 250 нафаргача киши қатнашади. Қўшалок тўй-ҳашамларда 250 нафаргача, у билан боғлиқ ош бериш маросимида 300 нафаргача киши қатнашиши мумкин. Тўй ҳашамларни ўтказувчи шахслар тадбирларни ўтказишдан камида бир ҳафта олдин яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини хабардор қилиши шарт.

Шунингдек, никоҳни давлат рўйхатидан ўтказиш, келин-куёвнинг тўйхонага келиши ва кетиши билан боғлиқ оилавий тадбирларда 3 тадан кўп бўлган енгил автомашинадан ёки жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи бошқа транспорт воситаларидан фойдаланишга рухсат этилмайди. Оилавий тадбирларда (дафн этиш маросимидан ташқари) пулли автотранспорт хизмати лицензияга эга бўлмаган ташувчилар томонидан кўрсатилишига йўл қўйилмайди. Тўй эгаларининг шахсий автомашиналаридан ҳамда ҳомийлар ёрдамида жалб этилган автотранспорт воситаларидан фойдаланилган ҳоллар бундан мустасно.

Миллий анъаналарга ёт, одоб ахлоқ қоидаларига зид бўлган турли шоуларни, ортиқча вақт ва харажат талаб қиладиган оилавий тадбирлардан олдинги, тадбир давомидаги ва ундан кейинги қўшимча расм русумларни ("келин навқари", "чорлар", "ота курди", "сеп ёйди", "қуда чақирди", "келин чақирди", "куёв чақирди", "тоғора юбориш" ва ҳоказоларни) ўтказишга йўл қўйилмайди.

Маҳаллий ҳокимликлар, прокуратура, ички ишлар, солиқ ва ФХДЁ органлари оилавий тадбирларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўтказилиши устидан таъсирчан назоратни амалга оширади. Ички ишлар органлари оилавий тадбирларни ўтказишга оид қонун ҳужжатлари талабларига тўйхона кафе ва ресторанларда риоя этилишини назорат қилади ҳамда ушбу талаблар бузилганлиги аниқланган ҳолатда шахсларни жавобгарликка тортиш тегишли чораларини кўради.

Тўйхона, кафе ва ресторанлар маъмурияти режалаштирилаётган оилавий тадбирлар ҳақида ушбу тадбирлар ўтказилишидан камида икки кун олдин тегишли худуддаги ички ишлар органларига ёзма равишда хабар берилиши лозим.

Бугунги кунда ушбу Қарор баъзи бир кишилар орасида норозиликларга сабаб бўлаётган ва баъзи ҳолларда миллий қадриятларимизга урф одат ва анъаналаримизга

болта ураётгандай тассавур уйғотган бўлсада аслида ушбу қарор шу юртда яшаётган аҳолининг манфаатларини кўзлагани ҳеч кимга сир эмас, албатта.

Тарих саҳифаларидан маълумки, шундай Қарор ва Фармонлар Бухоро амирлиги даврида ҳам чиқарилгани алоҳида эътиборга молик. Жумладан: 1911 йилнинг бошида маҳаллий савдогарлар номидан Абдурауфбий карвонбоши Азизов Амир Саид Олимхон билан учрашади ва мамлакатда амалга оширилиши керак бўлган ислохотларга оид ўз таклифларини билдиради. Шундай таклифлардан бири дабдабали тўйларни тақиқлаш ва ортиқча исрофгарчиликларга йўл қўймаслик тўғрисида эди[4,Б.50].

Амир Саид Олимхон бу таклифларни инобатга олиб, 1911 йилнинг март ойида "Жуда исрофли тўйларни тугатиш тўғрисида" Фармон чиқарди. Унга кўра тўйларда паловдан бошқа овқат берганларга 75 таёқ уриш жазоси тайинланиб, суннат ва никоҳ тўйларида ташкил қилинадиган улоқ ва пойга мусобақалари бекор қилинди. Ушбу тадбирни ташкил этган шахс ўлим жасосига маҳкум этилиши белгилаб қўйилди. Шунингдек, бухороликлар тўйларига келган барча меҳмонларга зиёфатдан ташқари, уларнинг ҳар бирига чопон бериш одати тақиқлаб қўйилган[5,Б.7].

"Туркестанская ведомости" газетаси мухбири ўз мақоласида бу ҳақда: "Мен оддий халқ орасида юриб бу фармонга қарши халқнинг фикрини билиш мақсадида турли йўллар билан оддий халқ вакилларида ушбу фармонга муносабатларини сўрадим, аммо бирор бир оддий фуқаро амир фармонида зид фикр билдирмади. Барчаси "Амирнинг фармони вожиб, унга амал қилмоқ даркор!" деган гапни такрорлар эди"[6,Б.7-8], - деб ёзади.

Амир Саид Олимхон фармонининг чопон бериш одатини тақиқлаш банди бўйича "Туркистон вилояти газети" мухбири: "Албатта, бу тариқа янги ҳукм Бухоро фуқароларига кўб манфаат еткурса керак ва бизнинг газетларида ўтган йилларда бир неча марта ёзилган эди. Эмди янги амир ҳазратлари ул расмни тўхтатиб ва биз Туркистон вилоятидаги мусулмонларга ул яхши ибратни кўрсатганда, бизлар ҳам мундоқ хайрият ва манфаат омма ишига ақлимиз етуб ибрат олмоғимиз мумкин бўлармикан ёки ҳақиқат аҳволотни идрок қилмай, расмимизда қолур мумкин биз" - деб ёзади.

1913 йилга келиб, Бухоро тўйларида яна исрофгарчилик авж ола бошлайди. "Ойина" журналининг 1913 йилги олтинчи сонидида Бухорода 7-8 кунлаб давом этадиган тўйлар ва ундаги исрофгарчилик ҳамда ахлоқсизликлар танқид қилиниб, амир фармонида қарши чиқмасликка чақиради. 1916 йил 5 июнда Бухоро амири Саид Олимхон маъмур ва уламоларни йиғиб, мажлис ўтказди ҳамда тўйларда қанд тарқатишни шариатга зид, деб фармон чиқаради[7,Б.154].

Москвада чиқадиган "Сўз" газетасида эълон қилинган М.З.Мирзозоданинг "Бухорода хатна тўйи" мақоласида хатна (суннат) тўйи мисолида Бухородаги исрофгарчиликлар танқид қилинади. У тўйга келган меҳмонга мартабасига қараб ҳар киши бошига 5 қадоқдан 2 пудгача қанд-шакар берилиши, уларнинг ҳар бирининг ёнига қимматбаҳо чой, битта катта нон, 5 та ёғли нон, 2 та кичик ва катта ёғли кулча, кабоб, ош, ҳолвалар, 4 коса мураббо қўйилиши, бир неча кишига чопон кийдирилиши, ҳар чопоннинг нархи 12 рублдан 15 рублгача эканлиги, тўйларнинг ҳаммаси 3 кундан 8 кунгача давом этиши, ҳар куни шундай сарф харажат қилиниши, умумий тўй харажати 5 минг рублни ташкил қилишини ёзиб, амирнинг 1916 йил 5 июндаги фармонини қўллаб қувватлайди: "Ушбу июн ойида ҳукумат тарафиндан аҳолига қанд бермак монень ўлинду. Ҳамма гузар ва кўчаларда қози калон жаноблари қанд бермак одатини монень бўлган деб айтган.

Бу кунларда қанднинг баҳоси кўтарилди. Ҳар пуди 20 рубл. Шу ҳаққа ҳам топилмаюр. Ушбу сабаб илан умид этамиз, аҳоли тўйларда қандни исроф этмакдан тийилур".

Амир Саид Олимхон серхаражат тўйлар оилаларни иқтисодий фалокат ёқасига олиб келишини аниқлаган ҳолда, бундай тўйларни бартараф этиш бўйича қатъий талабларни ишлаб чиқди. Натижада тўй кунлари қисқартирилди, бир хил овқат пишириш белгилаб қўйилди, чопон кийдиришлар кескин камайди, қанд тарқатиш тўхтатилди ҳамда кўпкарилар ўтказилмай қўйилди. Оддий халқ бу фармонларни мамнуният билан қабул қилди ва унга амал қилди[8,Б.417].

Тўй ва маросимлар қанчалик яхши бўлмасин, халқимизнинг маънавий юксалишида қанчалик ижобий рол ўйнамасин, уни ўтказиш билан боғлиқ баъзи ортиқча расм-русумлар, одат тусига кириб бораётган сунъий удумлар жамиятимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига, оилаларнинг маиший барқарорлиги таъминланишига ўзининг салбий таъсирини ўтказиши табиийдир.

Миллатимиз ичидан етишиб чиққан тараққийпарвар зиёлилар - жадидлар халқнинг маънавий маърифий савиясини юксалтириш учун турли хурофот ва зарарли бидъатларга қарши курашишни мақсад қилиб қўйган эдилар ҳамда улар ўз асарлари орқали серҳашам ва дабдабали тўй маъракаларни ўтказишни кескин қораладилар.

Маърифатпарвар жадидлар - Абдулла Авлоний, Абдулҳамид Чўлпон, Исъҳоқхон Ибрат ва бошқалар "Садойи Туркистон", "Садойи Фарғона" каби нашрларда халқнинг маиший турмушига алоҳида эътибор беришиб, хусусан миллий тўйлар ва уларнинг ўтказилиши борасида қимматли фикрлар билдирдилар. Чўлпон фикрича: "...Бугунги иқтисодий ночорликларга исрофгар тўйлар ҳам қўшилди"[9,Б.141-142].

Фарғона жадидларининг таниқли намоёндаси Исъҳоқхон Ибрат тўйлардаги исрофгарчиликлар, ортиқча харажатлар, ёшларнинг илм олишидан кўра турли ишқибозликларга мойил эканлиги ҳақида ўзининг теран мулоҳазаларини билдиради: "Ҳали ҳам биз ўз динимизча ҳаракат қилмай, ақча топмоқ, ҳой-у ҳавас овлоқ тўйларга ўн минг беҳуда сарф қиламиз, қайси уламо ҳалол деб буларга фатво берган... Бу аҳволи баъдлар, бу мараз дард-у доруси илмдир"[10,Б.11]. Ибрат бу фикрлари билан замона ёшларини илм ўрганишга чақиради ва илмли кишиларнинг ортиқча ҳой-у ҳавасга берилмаслигини уқтиради.

Туркистон жадидлари йўлбошчиси Маҳмудхўжа Беҳбудий (1875-1919)нинг "аъмолимиз ёинки муродимиз", "Бизни кемирувчи иллатлар" каби мақолалари босилиб чиқди ва уларда тўй маросимларни тартибли, ихчам ўтказиш зарурлиги таъкидланди[11,Б.240].

Тараққийпарвар жадидлар Туркистоннинг турғунлик, қолоқлик ва жаҳолат гирдобидан қутулишига нималар халақит бериши ва тараққиёт сари қолоқликни бартараф этишга халақит бераётган омиллар сабабларини олдиндан кўра билганлар. Гўёки шариат билан ҳимоялангандай туюлувчи, бироқ аслида мусулмон қонун-қоидаларига зид ҳолда кишиларнинг енгил бўлмаган ҳаётини янада мушкуллаштирувчи зарарли урф-одатлар тараққиётдан орқага тортмоқда.

Миллатпарвар зиёлиларнинг ўлкамизнинг жуда аянчли аҳволи, аҳолининг эрк ва ҳурриятга интилишларини бўғиш сабабларини, иқтисодий ва маънавий ҳаётдаги турғунлик ҳолатларини англаб, уларнинг онгига жамиятни ислоҳ қилиш, барча эскириб қолган, зарарли урф-одатларни, маросимларни қулай, камчиқим қилиб ўтказиш ғоясини илгари сурдилар[12,Б.242].

4. Хулосалар:

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, биз ўзимизнинг урф-одатларимиз билан фахрланамиз ва миллий қадриятларимизни асраш ҳамда ҳеч қачон унутмасликни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган ҳолда, тўй-маракаларни ва маросимларни замонага мослаштириш, кам чиқимли, лекин файзли ва тароватли қилиб ўтказиш ҳозирги даврнинг асосий талаби эканлигини ҳис қилишимиз ва буни келажак авлодлар онгу-шуурига сингдиришимиз лозим.

Халқимизнинг жуда гўзал, мазмунан ранг-баранг тўй маросимларини ўтказишда ким ўзарга йўл қўймай, авваламбор, тўйлар бўлса ёшларнинг бахт-иқболи йўлига, маросимлар эса, эл-юртга ҳурмат, эҳтиромимизни намоён қилиш учун ташкил этилиши лозим.

Иқтибослар/Сноски/References:

1.Ўзбекистон Республикаси mfa.uz/uz/press/news/2019 (Republic of Uzbekistan mfa.uz/en/press/news/2019)

2.Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қонунчилик палатасининг кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сенатининг кенгаши қўшма қарори.14.09.2019. № 2736-III/КҚ-592- III..(Meeting of the Legislative Chamber of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan and the Senate of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan No. 2736-III / KQ-592- III).

3.Кўрсатилган Қарор.

4.Эргашев Б.Х. Из истории общественно-политической жизни Бухары начала XX века // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. Т: 1992. - № 2. - Б.50. (Ergashev B.H. The history of political science in Uzbekistan. -Т.: 1992. - No. 2. - B.50.)

5.Жамолова Д. Бухоро амирлигида жадидлар ва қадимчилар фаолияти (XIX аср охири - XX аср бошлари). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси афтореферати. - Тошкент, 2019. - Б. 7. (Jamolova D. Activities of Jadids and Ancientists in the Bukhara Emirate (late 19th - early 20th centuries). Doctor of Philosophy (PhD) in History. - Tashkent, 2019. - B. 7)

6.Кўрсатилган асар. - Б. 7-8. (The work shown. - P.7-8).

7.Айний С. Эсдаликлар. IV қисм / Асарлар. 8 жилдлик. 7-ж - Тошкент: Тошкент бадиий адабиёт нашриёти, 1965. - Б. 154. (Ayni S. Memories. Part IV / Works. 8 volumes. 7th - Tashkent: Tashkent Publishing House of Fiction, 1965. - p. 154).

8.Айни С. Старая Бухара (Воспоминания). Пер. с тадж. С.П.Бородина // Собр. соч. Т. 5. - Москва: Художественная литература, 1974. - С. 417 (Ayni S. Staraya Bukhara (Vospominany). Per s tadj. PS Borodina // Sobr. hair. Т. 5. - Moscow: Goddess of Literature, 1974. - С. 417)

9. Бухоро тўйлари // "Ойина", 1913 йил 30 ноябрь. - № 6. - Б. 141-142. (Bukhara Weddings // "Oyina", November 30, 1913. - No. 6. - P. 141-142.)

10.Жамолова Д. Бухоро амирлигида жадидлар ва қадимчилар фаолияти (XIX аср охири - XX аср бошлари). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси афтореферати. - Тошкент, 2019. - Б. 11. (Jamolova D. Activities of Jadids and Ancientists in the Bukhara Emirate (late 19th - early 20th centuries). Doctor of Philosophy (PhD) in History. - Tashkent, 2019. - B. 11)

11.Айний С. Эсдаликлар. IV қисм / Асарлар. 8 жилдлик. 7-ж - Тошкент: Тошкент бадиий адабиёт нашриёти, 1965. - Б. 240.(Ayni S. Memories. Part IV / Works. 8 volumes. 7th - Tashkent: Tashkent Publishing House of Fiction, 1965. - P. 240).

12.Кўрсатилган асар. - Б.242 (The work shown. - P.242).

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

МАХСУС СОН

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000